

ЎУРРИЯТ

МУСТАҚИМ ГАЗЕТА

11-17 октябрь
2000 йил
41 (194) - сон

Чоршанба кунлари чиқади

1996 йил декабрдан чоп этила бошлаган

МАКТУБ

“БОШИ БЕРК

КЎЧАДАНМИСИЗ? деб қолишса хижолатга қоляпмиз

Тошкент шаҳар
ҳокимиятига

Мустақилликнинг атиги тўққиз йили ичида бутун республикамизда бўлганидек, Тошкентимизда ҳам шундай ўзгаришлар содир бўлдики, ҳар қандай ақл ҳам лол қолади.

Тошкентимиз шу вақт мобайнида таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Бири-биридан кўркам мухташам бинолар, кенг ва раво кўчалар... эҳ-хе, нимасини айтасиз!

Бу ишларнинг амалга оширишда Президентимизнинг жонқурлигига эш бўлиш пойтахт ҳокими Қозим Тулагановнинг ҳам шахсий ташаббус ва меҳнатлари катталиги барчага маълум.

Аммо ҳар қандай улкан ишда ҳам майда, гўё кўзга ташланмайдиган, аммо маънавий зарар келтирадиган ҳодисалар бўлиб тураркан.

Кўчаларни тилга олган эдим. Қарангки, ана шу кўчаларнинг баъзилари тор, баъзилари берк эмиш! Шаҳарда юрсангиз кўзингиз тушади. Туппа-тузук кўчани тор ёки берк дейишга одамнинг тили бормайди. Бу атамаларни

ким ўйлаб топган (аслида ҳеч нарсани ўйлаб топмаган, фикрий ялқовлик туфайли русча “проезд”, “түпик” атамаларининг таржимасини олиб қўя қолган) экан, деб хайрон қолади, киши ҳамда уларнинг саводи, зехини-ку, қўяверинг, фуқаролик туйғуси ҳам ҳаминқадар экани, ун ёшга қадам қўйган Мустақилликимизга мутлақо уйғун эмаслиги ачиртиради. Бугунги кунда айниқса қиёфаси буткул янгиланган Тошкентдек шаҳри азимда торкўча-ю берккўчани тилга олишнинг ўзи галати. Олис қишлоқдаги танишингизни уйга тақлиф қилиб, “фалон тор (ёки берк) кўчада

Машраб
БОБОЕВ

яшайман” десангиз, кул-майди? Тошкентда ҳалиям тор, берк кўчалар борми, деб? Тошкентда-я? Кўча кичикроқ бўлса ҳам кўча, бир-икки юз қадамлик йўлак эса, оддий йўлак-да! Торкўча, берккўча эмас!

Мен бу мулоҳазаларни бевосита шаҳар ҳокими номига ёзма ҳатти билан, бироқ ҳар соҳанинг мутахассиси, тегишли хизматчилари бор. Улар ўйлаб кўришар бу ҳақда?..

ОБУНА — 2001

ҚАЛАМПИР ЧАЙНАБ ҚОЛМАНГ!

Асақалиқман. 7-умумтаълим мактабидан болаларга тил-адабиёт фанидан сабоқ берман.

Ҳар йили обуна мавсумида “ха, бўл, ха, бўл!” билан соҳамизга оид 2-3 турдаги газета-журналга ёзиламиз. Яшириб нима қиламан, барча нашрга ёзилай десанг, ойлик маош урвоқ ҳам бўлмайди. Нима қилиш керак? Энди танлаб, “чертиб-чертиб” давр руҳига мос, муаммоларни дадил кўтариб чиқа оладиган; чайналган, юракка жиз этиб тегмайдиган бир қолипдаги

мақолаларга чап бериб ўтадиган; чарчаганда ўқиб, хордик оладиган нашрга обуна бўлиш керак! Акс ҳолда, “пули куйган... қалампир чайнабди” деган кўйга тушиб қолиш ҳеч гап эмас.

Шу йил ўқитувчиларнинг август кенгашида шаҳарнинг энг гавжум “Матбуот уюмаси”дан тасодифан “Хуррият” газетасини сотиб олдим. Автотубада уйга етиб келгунча бир саҳифасини “ҳазм” қилибман! Қолганини уйда давом эттирдим. Шу-шу “Хуррият”га ишқим тушиб қолди.

Ҳар ҳафтада гавжум “Матбуот уюмаси” ёнида пайдо бўладиган, “Хуррият”нинг янги сонини сўрайдиган бўлдим. Икки марта “сотилиб кетди” деган ёқимсиз жавоб ҳам олдим.

— Камолитдин, ука (сотувчининг исми шундай), мана-ви пулни олинг, қайтиши керак эмас, навбатдагисини келса сотмай яшириб қўйинг.

Сотувчи менга ўхшаган ашаддий мижозни энди кўраётгандек, бир тикилиб олди-ю, пулни қути ичига ташлади.

— Бу сафар кеч қолдингиз, ака, — деди Камолитдин афсус билан кейинги таширифта, — Энг яқин ошнам сизга олиб қўйган “Хуррият”нинг устига пул қўшиб олиб кетди. Эринмасангиз, индинга келинг...

Шунда қўлимга “туфлаб” қўйгандим. Бу гал барвақт шу газетача ёзилдим. Энди уйимизга “Хуррият”нинг ўзи кириб келади. Ойла даврасида маза қилиб ўқийми! Қандай яхши!

Абдулаҳад УРМОНОВ
Андижон вилояти,
Асака тумани

УЧРАШУВ

73 УМИД

Кўзингиз серфайзлигини қарангки, ишлар қайнагани ҳолда ҳам гўзал суҳбатларга вақт топилаверди.

Тахриратимиз ижодкорлари Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетига бўлишиб, биринчи курс талабалари билан обдон суҳбатлашиб қайтишди.

Тўғриси, иходий учрашувдан кўпи йўқ. Аммо бу галгиси аввалгиларидан мутлақо фарқ қилди. Негаки, илгари қалам тутиб, бир дунё эҳтиросини қозғашга туширишга шайланган, катта йўлнинг бошида турган умидли ёшлар билан суҳбатлашишнинг гаши ўзгача бўларкан-да!

Авалгига меҳмонлардан бироз тортиниб, қимтиниб турган талабалар маълум вақт ўтгач, бийрон-бийрон “сайраш”га тушиб кетса бўладими? “Хуррият”чилар уларнинг турфа саволларига баҳоли қудрат жавоб қайтаришди.

Ўз навбатида журналистика нима, деган саволга ёш ижодкор дўстларимиздан қуйилганча жавоб олдим.

Саида МАМАЖОНОВА: — Журналистика, менимча, жамият ва инсон ўртасидаги воситачи.

Хулкар МАМАТОВА: — Журналистика, бу — ижтимоий ҳаётнинг кўзгуси.

Собиржон ЁҚУБОВ: — Менимча, журналистика ижтимоий ҳаётни таҳлил этади ва ана шу таҳлил натижаси билан яна унинг ўзига таъбир ўтказиши.

Хулкар ЖАЛИЛОВА: — Журналистика жамиятда кечаётган барча жараёнларни фаол муҳокама этади...

Демократия нима, деган саволга эса зукко талабалардан маъна бундай жавоб олдим.

Ақмал МУРОДОВ: — Демократия халқ ҳокимияти демакдир.

Раваб РАҲАБОВ: — Демократия деганда хурфиркликни тушунаман.

Хуллас, тўғри жавобларнинг охири кўринмайди. Кимдир демократияни англаган зарурият деса, яна кимдир фикр, сўз эркинлиги сифатида талқин этади.

Ижодий учрашувда талабаларга ўзининг бой тажриба ва кузатишларидан сўзлаб бериб, уларнинг меҳрини қозонган “Хуррият” газетасининг бош муҳаррири Х.Дўстмухамедов анжуман сўнгида жумладан шундай деди: “Учрашувдан мақсад — сизлар билан дўстлашиш. Марҳамат, тахриратимиз эшигини сиз учун ҳамيشа очик, бизга ёзинг, фикр беринг!”

Бу сўздан жонланган талабалар эндиликда тахриратдан оёқ узмасликка, “Хуррият”га муттасил қатнашиб туришга келишиб олишди.

Аудиторияни тарқатарканмиз, ортимизда ҳаяжондан кўзлари чакнаб турган 73 умид қолганига ишондик.

Умидлар гуллағай, ҳосилга киргай, иншооллоҳ...

МУХБИРИМИЗ

ХУШҲАБАР

ЙУРИҚНОМАЛАР ТАҚДИМ ЭТИПМОҚДА

Таълим жараёнида ишлаб чиқилган кўп баллилик, яъни рейтинг тизимининг жорий қилинганлиги, бу борадаги муқамал дастур, йўриқнома-лар, тавсиялар ўзига хос ижобий самарасини бермоқда. Бу эса талабанинг билим кўник-маларини ўз пайтида одило-ла баҳолашдир. Бунда ҳар бир фан бўйича мақома-лий рейтинг бали, шу фан ўқув режасида ахратилган умумий дарс соатлари микдорига тенг деб ҳисобланади. Бунда талабанинг ўзлаштириши баҳо-ланиши семестр давомида мунтазам равишда олиб бо-рилиши жорий, оралиқ ва якуний баҳолаш турлари ор-қали амалга оширилади.

Утган ўқув йилидан бош-лаб талабаларни модул ти-зиммида ўқитиш жорий этил-ди. Бу тизимнинг афзаллиги шундан иборатки, модул ти-зиммида семестр давомида ўқилиши лозим бўлган 60 со-атлик маълум бир фан икки, уч ҳафта ичида ўтиб ақунла-нади. Бу ҳолат ичида фаннинг кунлик дарс соатлари кўпай-тирилиши натижасида амал-га оширилади. Бу эса тала-бадан фақат синов вақтида ўқиб қолмай, кунлик берил-ган топшириқни ўша вақтнинг ўзида бажариши талаб эта-ди. Бу талаба ҳар кунлик вақ-тини узлуксиз мутлақо билан ўтказсин дегани эмас. Мада-

ний хордик, дам олиш, ҳамма қатори, талаба учун ҳам зар-ур. Лекин ҳар нарсанинг ўз вақти, меъёри бўлгани маъқ-ул. Чунки бугунги кун билим-ли, онгли, маънавиятли ва маърифатли кадрларни талаб этапти. Олий ўқув юртига эн-дигина қадам қўйган талаба-лар бу янги тизимларнинг моҳиятини тезда ўзлаштири-ши анча қийин кечади. Ана шу жиҳатлар ҳисобга олиниб, Ўзбекистон Миллий универ-ситети шаҳсан академик Т.Н.Долмонов ташаббуси би-лан махсус адабиёт қўллан-малари, ҳар бир семестрда ўқиладиган фан маъруза мат-

нлари, дастурлар ҳамда рей-тинг тизимининг қонуниятла-ри, утилиши зарур мавзулар, тегишли адабиётлар жамлан-ган папка, унда изоҳланган йўриқномалар ҳар бир тала-бага тақдим этилмоқда.

Бу эса ҳар бир талаба учун режалаштирилган фан мавзу-лари билан олдидан таниш-тириш мақсадида амалга оширилиб, ҳар бир ўқитувчи ва талаба ўртасида ўзаро му-нозара олиб бориши, эркин мулоқот — фикрлашиш де-макдир.

Фаррух АБРАЕВ,
ЎзМУ толиби


НАШР

“IBN SINO” — ЯНГИ ЖУРНАЛ!

Мамлакатимиз матбуоти яна бир гўзал ва сермазун журнал билан бой-диган бўлди. Буюк ватандошимиз, қомусий билимлар соҳиб, тиббиёт илмининг отаси, шайхураис Абу Али ибн Сино шарафига “Ibn Sino” деб ном-ланган илмий-амалий халқаро журнал бир йўла ҳам ўзбек, ҳам рус ва инглиз тилла-рида чиқа бошлади. Янги журналнинг илк сони тўлиғича олимга бағишланган. Мухлис-лар унда улуг аллома-нинг ҳаёти, фаолияти ва ижодига бағиш-ланган бир қатор таҳлилий мақолалар, унинг қаламига мансуб рубоийлардан намуналар ўқишлари мумкин. Шунингдек, журнал саҳифа-ларида қадимий ва навқирон Бухорои шарифнинг гўзал манзаралари акс эттирилган суратлар ҳам чоп этилганки, кўриб кўзингиз қувнади.

Журнал йилга тўрт марта нашр этилади. Миллий матбуот марказида Ибн Сино Халқаро жамгарма-си томонидан чоп этилаётган янги журналнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда жамгарма раҳбарлари ва жур-налнинг ижодий жамоаси иштирок этиб, йилгиланларга келгусидиги ниятлар хусусида батафсил гапириб бердилар.

МУХБИРИМИЗ



ПАНЖАРА

КАМЕРАГА ЕРТЎЛА ОРҚАЛИ

Яқинда соат 20 лар чамасида тўрт нафар номаълум шахс Наманган шаҳри Файрат кўчасида яшовчи Муҳаббат Мамажонованинг хонадонига билдирмай кириб, тунда босқинчилик қилиш мақсадида ертўлага яшириниб оладилар. Ҳарас ният-лилар пичок ва газли тўппонча билан қуролланган, юзлари-га никоб тутган ҳамда зарур ҳолда уй эгасини боғлаш учун чилвир ва арқонларга эга эдилар. Аммо хонадон соҳибаси босқинчиларнинг шарпасини сезса-да, гўё ҳеч нарсга бил-магандай кўчага чиқади, зудлик билан посбонларга ҳолатни тушунтиради. “Фурқат” МФЙ раиси Хошимжон Асқаров дар-ҳол посбонлар — Аҳдам Хабибуллаев, Илҳом Жўраев, Бах-тиёр Муллахоновлар билан биргаликда етиб келадилар. Иш-лари чаппасига кетишини кутмаган кимсалар талвасага ту-шиб қолишди ва кутулиш учун ҳатто посбонларга пичок билан ҳамла қилдилар. Бироқ улар ўзларининг қора ният-ларига етолмадилар. Махалладигиларнинг аҳиллиги боис муддиш жиноятнинг олди олинди.

ВАЪДАНИНГ НАРХИ 500000 СЎМ

Учқўрғон туман ИИБ ходимлари Қирғизистон Респуб-ликаси фуқаролари бўлган Киёлик Абдураимов ва Худойбер-ди Сафаровларнинг “сафар”ига нуқта қўйишди. Тезкор ҳара-катлар натижасида 1,2 килограммга яқин гиёҳванд модда республикамизга олиб кирилишининг олди олинди.

Наркобизнесчиларнинг фикрича, улар гиёҳванд моддани Учқўрғон туманида яшовчи Алишер исмли шахсининг буюрт-масига асосан чегарадан олиб ўтмоқчи бўлишган. Бунинг учун эса уларга 500 минг сўм пул ваъда қилинганди. Аммо ваъда ваъдалигича қолди.

Энди уларнинг ҳатти-ҳаракати яраша “шинамгина” пан-жарали хоналар “ваъда” этиляпти.

Х.АБДУРАҲМОН

Наманган

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА: Ғиёс НОМОЗОВ: “ХУКМ ҚОНУНГА МОСМИ?” (“Судья қамоққа олинди”га эътироз)

Киши бекордан-бекор куруқ гавдани кўтариб юриш учун эмас, балки улуг ва кўламли вазибалар устида ишлаш учун дунёга келади.

муسابоқасига нафақат пойтахтдаги, балки вилоятлардаги журналистлар ҳам тақлиф этилади

Мусобақаларга қатнашиш истагида бўлган барча талабгорларни рўйхатга олиш бошлаб юборилди. Телефонларимиз: 133-69-45, 136-53-63

Ғолибларни қимматбаҳо совринлар кутмоқда!

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА: “МЕН ҚОНУНИ БУЗДИММИ?” (Жиззахлик Қаршигул момонинг мактуби)

Дунёда 10 ёшдан 14 ёшгача бўлган “ишчи” болаларнинг 29 миллиони Жанубий Осиё хиссасига тўғри келади

ХУКМ

Л.АЛЬБЕРТИ

КҲҒС

Инсоннинг ўртача умр кўриши юз йил олдин 49 ёшни ташкил этган бўлса, бугунга келиб 76 ёшдан ҳам ортган

РАҚАМ

